Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 8 октябрь, шанба № 152 (21.756). Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ:

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ — ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ

Ислом Каримовнинг Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасига ташрифи.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона водийси бўйлаб сафари ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбари уч кун мобайнида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида халқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, иқтисодий ислоҳотнинг бориши, унинг самаралари билан яқиндан танишди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. Қисқа фурсатда давлат бошқаруви тизими қайта қурилди, ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла қўмиталари ташкил қилинди. Иқтисодий йўналишда эса эркин нарх сиёсати амалда татбиқ этила бошланди, хўжаликларга иқтисодий эркинлик берилди. Бу йўлдаги ғовлар бирин-кетин олиб ташланмоқда. Бугунги кунга келиб ислоҳотнинг илк натижалари кўрина бошлади.

Республика Президентининг шу йил 21 январдаги машҳур фармони мамлакатда иқтисодий ислоҳотнинг иккинчи босқичи бошланганидан далолат берди. Ислом Каримов Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари фаоллари билан учрашувларда ислоҳотнинг дастлабки босқичида эришилган ютуқларга тўхталди. Уларни мустақилликнинг қисқа — уч йили мобайнида амалга оширилган улкан ишлар, дея баҳолади. Шунингдек, бу даврда юзага келган муаммоларни бартараф этиш борасида орттирилган тажриба ва сабоқлар, ислоҳотнинг кейинги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гапирди.

Республикамиз раҳбари таъкидлаганидек, бу босқичдаги энг долзарб масала — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштиришдир. Чунки хусусий мулк ишга муносабатни ўзгартиради, бозорни тўлдиради ва халқ турмуши фаровонлашувида етакчи омил бўлади. Таассуфки, шўро замонида юритилган иқтисодий сиёсат таъсирида одамлар ишчанлик, мулкка хўжайинлик ҳиссини умрлари унутган, давлатга қарам бўлиб яшашга ўрганиб қолган эди. Энди ер эгаси ҳам ўзини ҳақиқий хўжайин деб ҳис этмоғи лозим. Аммо, жойлардаги мулқот шуни кўрсатдики, ҳали миришкор тугул, бригадир, раис, ҳатто айрим ҳокимлар ҳам етиштирилган ҳосилдан олинажак даромаднинг, соф фойданинг мукаммал ҳисобини билмайди. Ахир, бир қўлда ҳисоб-китоб, бирида кетмон билан ишлайдиган замон аллақачон келган. Мулк эгаси ўзига берилган эркинликдан, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши, ундан тўғри фойдалана билиши ва шу йўл билан ҳам ўзининг, ҳам халқимизнинг турмушини яхшилашга ҳисса қўшмоғи даркор.

Президентимиз энди амалга ошириш зарур бўлган иккинчи энг муҳим масала — миллий валюта мавқеини мустаҳкамлашдан иборат эканини таъкидлади. Миллий пулимизни муомалага киритиш осон кечмади, деди Ислом Каримов. Аммо, биз бу йўналишда ҳам ўзига хос йўлдан бордик — халқни қийнамай, ташвишу азоблар-га қўймай миллий валютани жорий этдик. Эндиги оғир ва масъулиятли вазифа — сўмимиз қадрини ошириб, унинг мавқеини жаҳон миқёсида эркин алмашадиган валюта даражасига кўтаришдир. Аммо, баъзи бир жойларда меҳнаткашларга ҳар хил баҳоналар билан уларнинг пулларини вақтида бермасдан, шу йўл билан ўзбек сўмининг «қадрини оширмоқчи», қимматчиликнинг олдини олмоқчи бўляптилар. Лекин бизнинг миллий пулимиз бундай сохта ҳимояга муҳтож эмас. Ачинарлиси шундаки, бундай мутасаддилар нафақат ўзининг, балки ҳукуматнинг ҳам халқ олдидаги эътиборига, эл ишончига раҳна етказади.

Ислом Каримов ислоҳотлар жараёнида тартиб-интизом муваффақиятларимиз гарови бўла оладиган муҳим жиҳатлардан бири эканини қайд этди. Хусусан, республика раҳбариятининг четдаги «булбулигўё»лар демократияни бўғиш дея баҳолаётган талабчанлиги натижаси ўлароқ Тожикистонда юз берган қирғинбарот бу заминга яқинлашмади. Халқ тинч меҳнати роҳатини кўряпти, мамлакатда жиноятчилик камайиб бормоқда. Коррупция — жамиятни ич-ичидан занглатадиган, охир-оқибатда ҳалокатга дучор этадиган балодир. Афсуски, янги иқтисодий қонунлар тўла кучга кирмаган, эскилари эса иш бермай қолган ана шу оралиқ вақтда бу жирканч иш билан шуғулланувчи раҳбарлар ҳам учраб қолди, деди юртбошимиз. Агар ҳокимлар коррупцияга аралашса — кечирилмас ҳол, халққа, Ватанга хиёнатдир.

Ислом Каримов раҳбарларнинг жамиятимиздаги ўрни хусусида тўхталди. Шундай раҳбарлар борки, деди Президент, ўз мустақил фикри, шаклланган характери йўқ. Ҳоким — сиёсатчи, сиёсатчи эса курашчан бўлмоғи керак. Бошқача айтганда, Ўзбекистонни буюк келажак сари бошлаётган карвонбошилар ўз карвони ғамини ейдиган, ойдин йўлни кўра оладиган бўлмоқлари шарт!

Мамлакатимиз Президентининг водий бўйлаб бу галги сафари кузги йиғим-терим мавсумига тўғри келди. Ислом Каримов қайси вилоятда бўлмасин дала айланди, миришкорлар, агрономлар, механизаторлар билан суҳбатлашди. Далада ғўзанинг ҳамма кўсаги очилишини пойлаб, кўзи очлик қилган деҳқон ёғин-сочинли кунларга қолади. Қимматли вақтни бой беради. Бир тонна биринчи сорт ва иккинчи сорт пахтанинг нархи ўртасидаги тафовут 250—300 сўмни ташкил қилади. Демак, ҳар бир ёмғир пахтакорга неча пулга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят, туман ва хўжаликларни пахтанинг маълум бир навига мослаштириш масаласи тўғри йўлга қўйилмаган. Ваҳолонки, жойнинг тупроғига, иқлимига мос нав экилиши ундан самарали ҳосил олишнинг муҳим омилидир. Навни танлашда эса унинг кўп тола беришига асосий эътиборни қаратиш зарур. Қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Водийнинг олтин еридан кўп ҳолларда унумли фойдаланилмаяпти. Биргина мисол: экиндан бўшаган майдонларга маккажўхори экавериш ерни чарчатмоқда. Чунки маккажўхори тупроқнинг ширасини сўриб олади, натижада кейинги экиннинг ҳосилдорлиги 10—20 фоиз пасайиб кетиши мумкин.

Ислом Каримов миришкорлар, ҳокимлар эътиборини ғаллачиликни кучайтириш масаласига ҳам қаратди. Республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Донни четдан ташиб келтиргандан кўра уни ўз еримизда етиштириш анча арзонга тушади. Қолаверса, ғалла бор жойда нон бор, чорва бор, демак, гўшт, сут, ёғ, жун—ҳамма нарса бор. Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган иқлими шароитида кечиктирилган пахта нави ўзини оқламайди, деди Президент. Шу боис пахтани октябрда йиғиб-териб олиб, бўшаган майдонларга ғалла экишни йўлга қўйиш керак. Умуман, бундан кейин доннинг харид нархини кўтариш назарда тутилаётганини ҳисобга олиб, бошоқли дон майдонларини янада кенгайтириш, кузги ғалла экишни вақтида туғаллаш муҳим вазифадир, дея таъкидлади Президент.

Республикамиз раҳбари сафар мобайнида, айниқса, халқимизнинг турмуш шароитида юз бераётган ўзгаришлар билан қизиқди. Бўз туманида иккита пишиқ ғишт заводи ҳамда 5 та хом ғишт заводи ишга туширилган. Натижада Бўз туманида ғишт Тошкентдагидан беш баробар арзон нархда сотилмоқда. Учта янги тўқимачилик цехи очилиб, 1200 киши иш билан таъминланди. Аммо туманда маиший хизмат соҳаси қурилишларига етарли эътибор берилмаётир. 5 минг аҳоли истиқомат қиладиган Мирзо Улуғбек номидаги жамоа хўжалигида на маиший хизмат уйи ва на кўнгилдагидек сартарошхона бор.

Фарғона водийсининг ўзига хос муаммоларидан бири — минтақада аҳоли зичлиги ҳамда экин майдонининг камлигидир. Шундай экан, цехлар, кичик корхоналар барпо этиш билан кифояланиб қолмай, маиший хизмат соҳасига ҳам одамларни жалб этиш зарур. Шунда қўшимча иш ўринлари юзага келади, халқнинг турмуши ҳам енгиллашади. Илғор давлатларда қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолининг атиги 7—8 фоизи меҳнат қилади, аммо шу озчилик мамлакатни ҳам боқади, четга ҳам маҳсулот чиқаради. Замон, республикамизда кечаётган ислоҳот бу тартибни ўзимизда ҳам жорий этишни тақозо қилмоқда. Ерда ишлаётган аҳолининг қарийб 90 фоизини бошқа соҳаларга жалб этиш лозим. Далада фақат асл деҳқонларгина ишлаши керак, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигига қарашли ферма қорамоллар етиштиришга ихтисослашган. Мавжуд 725 қорамолнинг уч юзтаси соғин сигир бўлиб, улардан кунига 3050 литр сут соғиб олинмоқда. Энг маҳсулдор сигирдан кунига 35 литргача сут соғиб олиш мумкин. Фермада озиқа базасини мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Президент чорвадорлар билан мулоқотда қорамоллар зотини яхшилаш борасида хорижликлар тажрибасидан фойдаланиш яхши самаралар беришини айтди. Нафақат вилоят, балки республика миқёсида бу соҳага алоҳида эътибор бериш лозимлигини, хусусан, вилоятда янги наслчилик заводи бунёд этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президентимиз Задарё туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги далаларида.

Аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Фарғона вилоятининг ўриксор боғлар билан қуршалган Чимён қишлоғидаги паррандачилик агрофирмасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда уч йил муқаддам маҳаллий паррандабоқарларимиз билан исроиллик мутахассислар ҳамкорлигида Голландиянинг «оқ ҳайбрид» курка зотини парваришлаш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунга келиб, бу ерда етиштирилган парҳез гўшт маҳсулотлари агрофирманинг ўндан ортиқ дўконларида сотилмоқда. Хорижий ҳамкор — Исроилнинг «Мад» фирмаси президенти Ави Поюрский Ислом Каримов билан мулоқотда айтишича, у мутасадди бўлган фирма вакиллари жаҳоннинг нуфузли мамлакатларида, хусусан, Испанияда ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу парранда тури сергўштлиги билан ажралиб туради. Яхшилаб боқилган курка 30 килогача гўшт бериши мумкин. Бу курка зоти соф гўшти миқдори энг кўп — 72 фоиз бўлгани учун ҳам жаҳон миқёсида катта шуҳрат қозонмоқда.

Ислом Каримов сафар чоғида Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма автомобиль корхонаси қурилишининг бориши билан танишди. Ушбу зарбдор қурилишда шу кеча-кундузда икки минг нафар ишчи ҳамда 370 муҳандис-техник ходим меҳнат қилмоқда. Қурилишга Асакадаги 10-кўчма механизмлашган колонна бош пудратчи ҳисобланади. Август-сентябрь ойларида қурилишмонтаж ишлари уч баробар кўпайди. Икки ой мобайнида Асакада шундай улкан автомобиль заводи қурилишини халқимиз иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган бир пайтда бошлаган эдик. Якин фурсат ичида бу қурилишни тугаллаймиз ва, иншооллоҳ, деярли ҳар бир хонадонда Ватанимизда чиққан енгил машина хизматда бўлади. Аммо, халқимизнинг бойлиги бу билан ўлчанмайди. Бизга бобокалонларимиздан буюк ғурур мерос қолган. Бу ҳам бир бойлик. Ўзгаришлар аста-секин бўй кўрсатмоқда. Бугун шу заминда, шу офтоб остида туғилганимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизнинг улуғлигидан руҳланиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз ҳам дилимиздаги ғурур ва масъулият туфайлидир, деди пировардида Президент.

Президентнинг Фарғона водийси бўйлаб сафарида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ҳамроҳлик қилдилар.

Ғулом МИРЗО.
(ЎзА).

Қувасойдаги «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашув.
Суратларни А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХРнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуанни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ислом Каримов мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланаётганини, ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган бу алоқалар ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини таъкидлади.

Жаноб Гуань Хэньгуан самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўзаро алоқаларнинг ривожланишига бундан буён ҳам ҳисса қўшишини айтди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1994 йил 7 октябрда Қ. А. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг таклифларини кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси 250 та сайлов округи бўйича округ сайлов комиссияларини, унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда тузди.

Тегишли сайлов комиссияларининг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий матбуотида эълон қилинади.

● ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

ҲУЖЖАТЛАР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўришда амалий босқич бошланди.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакили «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига биноан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мазкур сайловда иштирок этиши учун тақдим этиладиган ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Қонунга кўра, ҳар қандай сиёсий партиянинг сайловда қатнашиши учун 50 минг имзонинг бўлиши кифоя қилса-да, юз мингдан зиёд фуқаролар — аҳоли барча қатламларининг намояндалари бўлажак сайловлардаги партиямизнинг иштирокини қўллаб-қувватлашларини изҳор этиб, имзо варақасига қўл қўйдилар.

Партиямиз сайловолди мавсумида дастлабки синовдан муваффақият билан ўтди, дейишга тўла ҳаққимиз бор. Ўзбекистон ХДП ўз номига кўра, ҳақиқатдан ҳам, халқ партияси эканлигини фуқаролар яна бир бор эътироф этиб, унга катта ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарияти партиямизни қўллаб-қувватлаган барча фуқароларга чуқур миннатдорчилик изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

7 октябрь куни партиямиз Низомига ўзгартиришлар киритиш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарорига биноан тузилган ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон ХДП МК котиби, Ишчи гуруҳи раҳбари И. Кочмарик раислик қилди.

Партия ходимлари, таниқли олимлар, жамоат арбобларидан иборат гуруҳ аъзолари иштирок этган мажлисда Ўзбекистон ХДПнинг муҳим ҳужжатига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисидаги дастлабки фикр-мулоҳазалар билдирилди, жойлардан тушадиган таклифларни қай тарзда умумлаштириш ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг кенгаш олтинчи пленумидан кейин ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тингладилар. Бу ҳақда шаҳар кенгашининг иккинчи котиби В. П. Медведев маълумот берди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ш. И. Шоисломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамасининг ишлар бошқарувчиси бўлиб ишлаб келаётган Л. Е. Ғуломов Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ДИҚҚАТ: КИМОШДИ САВДОСИ!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йилнинг 10 октябрида «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш комплексида (Фурқат кўчаси, 5-уй) Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи шарафига чиқарилган юбилей тангалари ва медаллари кимошди савдосини ўтказади.

Медаль ва тангалар чекланган миқдорда чиқарилган бўлиб, нумизматик қимматга эгадир.

Тангалар ва медаллар эркин муомаладаги валютага сотилади.

Кимошди савдосида қатнашишга Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатлар элчихоналарининг ҳамда чет эл фирмаларининг вакиллари, шунингдек, хусусий шахслар таклиф этилади.

Маълумотларни соат 10.00 дан 13.00 гача 33-68-29, 32-77-04 телефонлари орқали олиш мумкин.

БЕБАҲО БОЙЛИК

Ғайни Нажимов... Республикамизда бу номни билмайдиган знёли бўлмаса керак. Зеро, эллик йилдан буён юртимиз маданияти, санъати, урф-одатлари, миллий анъаналари ҳақида ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган устознинг ҳаёт йўли бир қараганда оддийгина. Аслида-чи? Ғайни ака қирқинчи йиллар Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультетини битиргач, шу ерда ўқитувчилик қилди, кейинроқ Ўрта Осиё Давлат университети аспиранти, ўқитувчиси. Сўнг «Узбекфильм» киностудиясининг ва Ўзбекистон телеграф агентлиги (ЎзТАГ)нинг директори, Ўзбекистон маданият вазири, Тошкент Маданият институти ректори сингари қатор раҳбар лавозимларда ишлади. Бироқ «илм истар кўнгил» деганларидек, устоз ҳамиша илмий иш хаёлида юрди. Олтмиш тўртинчи йили фалсафа фанлари номзоди, ўтган йил эса фан доктори унвонига сазовор бўлди.

— Ғайни ака, Сиз халқ анъаналари бўйича узоқ йиллар давомида илмий изланишлар олиб боргансиз. Юқори лавозимларда ишлаб юрган вақтларингизда ҳам уларни ҳаётга жорий этишда фаол қатнашдингиз. Айтингчи, бой меросимизнинг айниқса, бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолишига сабаб нима?

— Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият оқибатда таназзулга юз тутади. Буюк меросга эга бўлган миллатнинг истиқболга умид билан қараши ҳам табиий ҳол. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўз рисолаларида, нутқларида янги давлатимизни барпо этиш ва мустаҳкамлашда маънавият, маданият, халқ анъаналари масалаларига натта эътибор бермоқда. Шу боис бугунги кунда мақсадимиз бетакрор, илғор, энг муҳими, инсонларга керакли қадриятларимизни тиклашдан иборат. Халқ анъаналари ва уларнинг ижтимоий тараққиёт борасида тутган ўрни долзарб муаммолардан бири. Ўзбекистон ўз истиқлоли ва тараққиёт йўлини танлаган бир пайтда унинг аҳамияти янада яққол сезилмоқда. Халқ анъаналарини мушоҳада қилиш, уни назарий жиҳатдан англаш, янги ижтимоий шароитда маънавий маданият ва унинг тизимлари, таркибий қисмларини таҳлил қилиш, ижтимоий-фалсафий фикр намояндаларининггина эмас, бошқа билим соҳаларининг ҳам диққатини ўзига тортмоқда.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, жамият тараққиёти билан миллий маданият тафовутлари йўқолиб бормайди. Ўзлашиб кетмайди. Аксинча, миллий онглилик, миллий ғурур, миллий қадрият, миллий маданиятдаги ўзига хослик тобора кучайиб боради. Албатта, бу жараён миллий чегараланишга, миллий маҳдудликка, адоватга, бошқа миллатлар маданияти, урф-одатини менсимаслик, камситишга олиб бормаслиги керак. Ўз миллати, қадрияти, урф-одати, анъаналарининг қадрига етмаслик, бошқа халқлар маданиятини менсимаслик миллат истиқболини таъминлай олмайди. Халқлар маданияти ва анъаналарининг ривожи миллатларнинг сунъий яқинлашишини, байналмилалчиликни зўрлаб тезлаштиришга уринишни, маданият бобида шошма-шошарликни, маъмуриятчиликни, марказдан бўйича олдинга қўйилган ҳар бир одим — бу эркинликка, шахсни ҳар жиҳатдан камолотга эришишига қўйилган қадам.

Одатда анъана, урф-одатлар ижтимоий ҳодисалардан алоҳида юз бермайди. Балки уларнинг сифати ҳолатида бирга ифодаланади. Чуновчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, ҳуқуқ муносабатларида, сиёсат, маданият бобида, бадиий ижодда, оила ва турмуш жараёнида, инсоннинг бошқа ижтимоий ҳаракатларида кўринади. Шунинг учун ҳам анъана тор маънодаги ҳодиса эмас, традиция деганда кенг ва чуқур масала ҳақида гап боради. Аввало маданий ҳаёт, руҳият, дунёқараш, ахлоқ ва одоб, маънавият, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий муносабатлар ҳақида боради. Традициялар авлоддан-авлодга ўтади. Бунга йиғилган билимлар, меҳнат малакалари, ахлоқий, моддий ва маънавий қадриятлар гувоҳидир. Традициялар кишиларнинг онги, ҳис-туйғуларини расмийлаштиришда фаол қатнашади. Фикримча, традиция — бу тарих таянчи, бамисоли тараққиёт омили, суянчиғи, илдизидир. Дарахт илдизидан ажралса қурийди. Жамият ўз илдизидан, анъаналаридан ажралса, ноҳуш вазиятга дуч келади, ўз мувозанатини йўқотади. Демак, традиция ҳақида гап бораркан, тарихан таркиб топган ишлаб чиқариш туфайли ҳаётнинг барча соҳасида сақланган, ривож топаётган маданият ва анъаналар ҳақида боради. Маданият билан традиция ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир, уларнинг ривожи — объектив қонуният. Традиция шундай ижтимоий ҳодисаки, у вақтнинг барча чиғириқларидан чиққан бўлади, яшаб қолишга қодир эканлигини исботлаган бўлади. У маънавий маданиятнинг барча таркибий қисмини бирлаштиради, ижтимоий институт ролини ҳам бажаради.

— Энди халқимиз анъаналари хусусида суҳбатлашсак.

— Ўзбек халқининг кўплаб олижаноб анъаналари бор. Боғ яратишу, ҳашар қилиш, сувни озода сақлаш, меъморчилик, халқ амалий санъати, ахлоқий маданият бобида — кексаларга ҳурмат, инсонпарварлик, яхши қўшничилик, дўстлик, ёшларга мурувват, бировлар ғамига шерик бўлиш, она ерга садоқат, иймонли ва кечиримли бўлиш, самимийлик, жисмоний ва маънавий поклик халқимиз миллий маданиятининг таркибий қисми.

Бир вақтлар баъзилар Ватанни тарк этиб, хорижий мамлакатларга кетиб қолишга мажбур бўлгандилар. Эндиликда уларнинг қайтиб келишига рухсат берилмоқда. Бу анъанада халқимизнинг буюк руҳи, беқиёс ғаҳри кенглигини кўрамиз. Республикамиз Президенти БМТнинг 48-сессиясида Америкадаги ватандошларни ўз юртларига қайтишга даъват этди ва ўзбек халқининг ҳотамли, олижаноблигини намоён қилди. Халқимизда «Булбул чаманни севар, одам — Ватанни» деган мақол бор. Махтумқули «Ёт элларда мусофирлик тортгандан, урса, сўкса, хўрласа ҳам эл яхши» деб ёзади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида 15 фарзандни асраб, оёққа турғазган тошкентлик Шоаҳмад ака ва Баҳри опалар тимсолининг Халқлар дўстлиги майдонидаги ҳайкалда гавдаланиб туриши бежиз эмас. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романида шундай лавҳа бор: Шоаҳмад ака болалар уйига борганида, тарбиячи «Отахон, сиз болаларнинг қанақасини оласиз, ўғилми ёки қизми, қорами, сариқми, ёшми, каттами?» деб сўрайди. Шунда Шоаҳмад ака «Агар жим турсам бошқа саволлар ҳам берадиганга ўхшайсиз. Барча болалар бир хил, улар бариси инсон боласи», деб уқтиради. Бу ўзбек халқи инсонпарварлигининг олий рамзи.

Катталарга ҳурмат халқимизнинг олижаноб фазилатларидан бири. Менинг бир иймонли дўстим бор. У Маккага сафар қилиб, Каъбанинг ичига киришга муяссар бўлган. Тошкентга келгач, уни одатимизга кўра зиёрат қилувчилар кўп бўлди. Бироқ у энг аввал Андижондаги 90 ёшли онаизорининг олдига борди. Унга ўз совғасини тортиқ қилди. Фарзандининг меҳрибон онага бўлган бундай меҳр-оқибати ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Ўзбеклар меҳмонни яхши кутишни афзал кўради. Қарзга бўлса ҳам меҳмон кўнглини олишга интилади. «Меҳмон — атойи худо» деган мақолга амал қилади. Лекин ҳозирги кунда меҳмондўстлик деб, айниқса тўйларда дабдабавозлик, ўзини кўз-кўз қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ҳар бир нарсада инсон имон талаби асосида ҳаракат қилмоғи керак. Унинг қилаётган иши жамоа тарафидан қандай қабул қилинади? Тўйлар ўтказилаётганда шундай талабларга ҳам эътибор берилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Ўзбекларнинг яна бир яхши урф-одати бор. Бир хонадондан ўлик чиқса, оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этадилар, қайғусига шерик бўладилар. Лозим бўлса, қўлдан келганча ёрдамини аямайдилар. Кўмиш маросимига фаол қатнашадилар. Сўнгги йўлга кузатишда эса марҳумни билган-билмаган ҳам унинг ҳурматини бажо келтириб, тобут кўтаришга шошилади. Бизда ўлганларни ёмонлаш азми гуноҳ ҳисобланади. Ваҳолонки, юқори мансабга эришиш учун ўлганлар руҳини бадном этишга уринганларни кўрдик. Қозоқ халқининг ажойиб фарзанди Д. А. Кунаев «Тириклар ўликларнинг кўзини юмади, ўликлар тирикларнинг кўзини очади», деб тўғри айтган эди.

— Бизнинг ажойиб урф-одатларимиз, анъаналаримиз, бой меросимиз бор. Ачинарлиси шундаки, улар шу пайтгача ўзининг ҳақиқий баҳосини ололмади...

— Қолаверса, уларга муносабатда анчагина хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ўзининг миллий тарихига, тилига, урф-одатига, байрамига бефарқ қарашлар бўлди. Айрим раҳбарлар бу масалаларда ўзларининг ношудликларини кўрсатдилар. Маълумки, биз бир пайтлар Туркистонда саводли аҳоли икки фоизни ташкил этади, деб тушунтирар эдик. Ваҳолонки, изланишлар уларнинг 20 фоиздан кам эмаслигини кўрсатмоқда. Она диёрни куйлаганлар миллатчиликда айбланди. Тарихни равон тушунтирмоқчи бўлганларни ўтмишни илоҳийлаштирувчилар дейишди. Халқ эпоси «Алпомиш»ни зарарли асар, Бобур лирикаси мақбул эмас, чунки у босқинчи, Бердах реакцион шоир деб ёздилар. Халқнинг «Наврўз» байрамиқ «Навбаҳор» деб ўзгартирмоқчи бўлишди. Исломга бўлган муносабат, ўз қадриятларимизнинг қадрига етмаслик ўзимизни камситиш ҳоллаларининг гувоҳимиз.

Ўтмиш ҳақида гап кетганда алломалар, шоирлар яшаган, ижод қилган даврини ҳисобга олмадик. Уларга бир томонлама ёндашдик, замонавийлик руҳини пеш қилиб, ўзимизни ўзимиз маънавий ночорликка судрадик. Халқнинг мусаффо ҳиссиётларини поймол этилди. Эндиликда эса ўтган мутафаккирлар, адиблар, ижод соҳибларига муносабатимизни халқ мамнунлиги билан кутиб олмоқда. Бу шуни кўрсатадики, традициялар зўрликни, шахслар мансабидан фойдаланишни, ноўрин субъектив ҳаракатларни инкор этади, маъмурий ёндашишни тан олмайди. Ҳозирги тараққиёт ўтмишнинг маънавий бойлигидан оқилона баҳраманд бўлиш, традиция механизмидан яхши фойдалана олишни тақозо қилади.

— Ғайни ака, диний анъана ва урф-одатларга муносабат қандай бўлмоғи керак?

— Дин ва маданият тарихи, халқларнинг ҳур фикрлилиги бўйича чоп этилган рисолаларда маънавий ҳаёт бир томонлама ёритилган. Партиявийлик, синфий нуқтаи назардан дин реакцион мафкура, хурофот, халқ учун заҳардир, деб таърифланади. Унинг ижобий тарафлари яхшилик, эзгулик меҳр-шафқат, ҳалоллик, ҳайриҳоҳлик, адолатли бўлишга даъват этиш хусусиятлари четлаб ўтилган. Динга ишонувчиларни камситиш, улар ҳуқуқларини рўёбга чиқармаслик ҳоллари кўп эди. Биз динни фақат ижтимоий онгнинг шакли деб эмас, маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми, деб қараймиз. Ҳозир республикада ҳар бир инсон ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланишга қаратилган сиёсат амалга оширилмоқда. Инсонни маънавий ва ахлоқий камолотга эриштиришда диндан фойдаланиш бежиз эмаслиги кўринмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Бу ҳолат анъана ва урф-одатларни бажаришга ҳам тегишли. Жумҳуриятимиздаги ҳозирги тарихий вазият оқил, маърифатли, имонли, маънавий қадриятлари билан маҳрурланишга қодир, келажаги порлоқ жамият барпо этишда меҳнатини аямайдиган фидойи кишиларни тарбиялашни, вояга етказишни тақозо қилади.

— Суҳбатимизни буюк алломаларимизнинг халқ анъаналари ҳақидаги фикрлари билан якунласак. Токи, улар руҳи келажаги нурафшон давлат барпо этишда ҳаммамизга мададкор бўлгай...

— Ҳазрат Алишер Навоий дейдилар:

«Одами эрсанг демагил одами;

Оники йўқ халқ ғамидан ғами».

ёки:

«Кимда ким покиза бўлса, дунёга мусаффо кўз билан қараса, ўшандагина инсон деган номга мушаррафдир».

Умида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

Иккинчи шиоримиз: Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтараймик! Умумбашарий ва миллий қадриятларни ўйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтираймик!

Ислом КАРИМОВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СИЁСИЙ ТАНГЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА

● Покистон Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто мамлакатдаги сиёсий танглиқнинг олдини олиш мақсадида мухолиф кучлар раҳбари, собиқ Бош вазир Навоз Шариф билан музокаралар ўтказишга интилмоқда.

Лекин у мухолиф кучлар талаби билан мамлакатда зудлик билан умумий сайлов ўтказиш эҳтимолини рад этди. Навоз Шариф тарафдорлари эса Покистон Халқ партиясини ҳукуматдан четлаштириш мақсадида ташвиқот ишларини кучайтирмоқда.

ФИН КУРФАЗИДАГИ ҲАЛОКАТ

● 28 сентябрь куни «Эстония» кемасининг фалокати натижасида ҳалок бўлганларнинг шахси ҳамон аниқланмоқда.

Ҳозирча 92 нафар жасад фалокат жойидан Хельсинкига келтирилган. Финляндия полициясининг маълумотича, улардан фақат 20 тасинигина шахси тахминан аниқланган. Маълумотларга кўра, кемада 1000 дан ортиқ киши бўлган. Улардан 140 таси қутқарилган, 900 нафарга яқини эса кема билан бирга чўкиб кетган.

ЖАҲОН АВТОМОБИЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

● Франция пойтахтида жаҳон автомобиль кўргазмаси очилди. Унда 35 мамлакатнинг 887 та фирмасида ишлаб чиқарилган автомобиллар намойиш қилинмоқда.

Кўргазма билан танишган кишилар янги аср автомобиллари аввал тасаввур қилинганидан бутунлай ўзгача бўлишига ишонч ҳосил қилади, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбирлари. Бу ерда енгил машинага айланадиган юк машинасини, 2 ўринликдан 8 ўринликкача бўлган турли-туман, ҳатто думалоқ шаклдаги автомобилларни кўриш мумкин.

ҲАРБИЙ СОҲАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

● Японияннинг «Ниссан» компанияси нафақат ўз автомобиллари, балки турли техник кашфиётлари билан ҳам жаҳонга машҳур.

Яқинда «Ниссан» мутахассислари ҳарбий ракеталарни бошқариш технологиясини ишлаб чиқдилар. Баллистик ракеталардан ҳимояланишда бу технология жуда қўл келади.

РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

● Америка Қўшма Штатлари конгресси Тожикистон масаласи бўйича резолюция қабул қилди.

Резолюцияда Тожикистон Республикасидаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бериш учун АҚШ Президенти Билл Клинтонга мурожаат қилинган.

ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

● АНҚАРА. Телевидение орқали халққа хитоб этган Туркия жумҳурияти Бош вазири Тансу Чиллер «Порахўрлик билан шуғулланган ва мансабини суиистеъмол қилган ҳар қандай мансабдор шахс бундан буён қаттиқ жазога маҳкум этилишини» билдирди.

Хусусийлаштириш дастурини амалга оширишда суст-кашликка йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган Бош вазир «Давлат ўз тижорий-молиявий фаолиятини тўхтатиб, бу ишни соҳанинг ҳақиқий эгалари бўлган ишбилармонларга топшириши керак», деди. Тансу хонимнинг фикрича, Туркия иқтисодиётидаги барча қийинчиликларга давлатнинг бу соҳага ҳаддан ташқари аралашуви сабаб бўлмоқда.

ЖАЗО ЧОРАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ҚАРШИ

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Мадлен Олбрайт Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида Америка Қўшма Штатлари Ироққа қарши қўлланилаётган жазо чорасини бекор қилишга қарши эканини билдирди.

Бағдоднинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши талабларига тўла риоя қилаётганига шубҳа билдирган АҚШ вакили «Ироққа қарши қўлланаётган жазо чорасини бекор қилишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмайди», деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

МЕНИКИ, СЕНИКИ ЙЎҚ

— Барча жабҳаларда меҳнат қилаётганларнинг катта қисми ХДП аъзолари, — дейди биз билан суҳбатда Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Бахшулла Болтаев. Улар ўз ишининг фидойилари, жонкуярлари.

Котиб бу гапни тан олиб айтди. Партия аъзолари ҳамма тадбирда олдинги сафда бормоқдалар. Масалан, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини олайлик. Хўжаликда хусусийлаштиришни амалга оширишнинг бошида партия аъзолари туришди. Ҳозир фермер хўжаликлари ўзларини ўнглаб олишди. Ўнга яқин фермернинг мўл-кўлчиликка қўшаётган ҳиссаси беқиёс.

Фикримизни «Истиқбол» ҳиссадорлик жамияти фаолияти, бу ерда меҳнат қилаётган ХДП аъзолари шижоати, эришаётган ютуқлари билан исботлашга интиламиз. Илгари хўжалик сут-товар фермасида маҳсулот сотиш режалари бажарилса-да, чорвадор манфаати сезилмасди. Ҳиссадорлик жамиятига айлангач, мулк эгасини топди. Аҳвол ўзгарди. Ҳиссадорларнинг 13 нафари партия аъзосидир. Давр муштни бир ерга уришни, бирни ўн қилишни тақозо этаётганда улар қараб туришмаяпти. Шу боисдан ҳам 596 бош қорамол меҳр билан боқиляпти. 242 бош сигирнинг ҳар биридан 8-9 килограммдан сут соғиб олиняпти. Шу йилнинг ўтган ойларида давлатга 334 тонна ўрнига 390 тонна сут, 25 тонна ўрнига 36 тонна гўшт сотилгани ҳам, жорий ҳисобда 100 минг сўмдан зиёд маблағ борлиги ҳиссадорларнинг меҳнати самараси.

— Бизда меники, сеники деган нарса йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси, ХДП аъзоси Ғафур Нарзуллаев. — Партиявий эътиқодимиз кучли. Мухтабар Мирзаева, Дилфуза Неккадамова, Дилбар Бозорова сингари соғувчи ҳиссадорлардан тортиб, ҳисобчиларгача мулкка муносабати ўзгарган. Мақсад — тўкинликни вужудга келтириш, келажаги буюк давлатни барпо этишга ҳисса қўшиш.

«Маданият» жамоа хўжалиги Пешқу туманидаги йирик хўжалик. Унда юздан зиёд партия аъзоси ишлаётир. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан чиқиб олиш, қишлоққа саноатни олиб кириш каби долзарб юмушлар юки улар елкасида турибди.

— Тўғрисини айтадиган бўлсак, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, ХДП аъзоси Инон Отақулов, — партия сиёсатини халққа етказувчи ҳам, уни амалга оширувчи ҳам бошланғич ташкилот, унинг аъзолари. Илгариги маъмурий буйруқбозлик, ҳар қандай дабдабадан холи бўлган партиямиз, Президентимиз сиёсатини амалга оширишда собитқадамлик кўрсатяпти.

Дарҳақиқат, бугунга келиб партия ташкилоти халқнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлаётгани кўпчиликка аён. Қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучини қисқартириш, кичик корхоналарни очиш, аҳоли ижтимоий ҳаётини яхшилаш борасида бошланғич партия ташкилоти хўжалик бошқаруви билан амалий фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда хўжаликда консерва, пўстин, телпак, чопон тикиш цехи, 4 та тегирмон, 6 та мойжувоз ишлаб турибди. Консерва цехида ҳозиргача 12 минг шартли банка маҳсулот тайёрланди. Буни сотиш эвазига қишлоқларга водопровод, газ қувурларини тортиш давом этмоқда. Ўн битта қишлоқнинг 6 таси тўла газлаштирилди.

Яна шуниси эътиборга моликки, ХДП бошланғич ташкилоти кам таъминланган оилалар, ногиронларга нисбатан эътиборни оширган. 86 та кам таъминланган оила, 12 нафар ногирон ҳамиша ижтимоий муҳофазада. Уларга бепул гўшт, ун, ёғ берилляпти. Бу ҳам партия нуфузини оширишга хизмат қиляпти, дейишади пешкуликлар.

Хуллас, ким билан мулоқотда бўлманг, улар ҳозир ЎзХДП омма орасида ўз обрўсига эга эканлигини таъкидлаш билан бирга интизомни мустаҳкамлашга, иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилаётганлигини айтишади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хива туманидаги Огаҳий номидаги хўжалик пахтакорлари бу йил 2 минг 700 тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Айни кунларда терим авжида. Хўжаликда кунига йиллик режанинг 3—3,5 фоизи миқдорида пахта топширилмоқда. Пахтакорларнинг яхши меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

СУРАТЛАРДА: пахтакорларга ёрдамга келган Хоразм тўқимачилик фабрикаси ишчиси Ўғилжон Абдуллаева, Пошоджон Сандова ва Муяссар Худойбергановаларни кўриб турибсиз.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

„Оқ олтин" ҳирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	шу жумладан машинада терилгани: мавсум бошидан
Бухоро	1.56	83.03	0.04	3.56
Хоразм	2.38	76.31	0.33	4.79
Навоий	1.95	74.36	0,86	18.36
Қашқадарё	2.76	74,15	2.29	49,94
Андижон	2.33	69.19	0,85	14.67
Самарқанд	2.00	69.16	0,71	21,91
Фарғона	2.24	68.08	0,59	11,87
Сурхондарё	1.56	64.94	0,69	25,33
Наманган	3.02	58.87	1.47	22.71
Тошкент	3.24	50.46	2.64	33,85
Жиззах	2.61	45.34	2.38	33.20
Қорақалпоғистон Республикаси	2.51	44.70	1.18	11.43
Сирдарё	3.02	35.48	2.88	25.02
Республика бўйича	2.40	62.51	1.50	23,61

ЯШИЛ ЛИБОС—ЎЛКАМИЗГА МОС

ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРМОНЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ШИОРИ ШУНДАЙ БЎЛДИ

Марказий Осиёда жойлашган мамлакатларнинг табиати бир-бирига ўхшаш. Улар учун умумий бўлган жиҳатлар талайгина. Шулардан бири ушбу давлатлар ҳудуди қурғоқчиликдан иборатлигидир. Бундан ташқари, ўрмонлар кам. Ана шундай шароитда минтақада экологик ҳолатни яхшилаш, яшил масканларни бунёд этиш, ўрмонзорларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш яхши самаралар бериши мумкин.

Афсуски, Марказий Осиё минтақаларида жойлашган республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритгач ўрмончилар ўртасидаги илмий, амалий алоқалар бирмунча сусайди. Яқинда Тошкентда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўтказган халқаро конференция ўзаро алоқаларни тиклаш ва янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Аввало анжуманга пухта тайёргарлик кўрилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. 1993 йили Тошкентда бўлиб ўтган дастлабки конференцияда беш мамлакат вакиллари қатнашдилар. Унда Қозоғистон миллий академияси вице-президенти И. Байтулиннинг таклифига мувофиқ нодавлат ва нотижорат ташкилот тузишга, унинг номини ички «Евроосиё Экофорести», деб аташга қарор қилинди.

Шунингдек, конференция қатнашчилари ўрмон хўжалиги соҳасида тадқиқот олиб бораётган Марказий Осиё республикалари вакиллари сифатида минтақани яшил масканга айлантириш зарурлигини эътироф этган ҳолда қуйидаги умумий вазифаларни белгилаб олганликларини маълум қилдилар:

1. Йирик экологик муаммоларни тадқиқ қиладиган Ўрмонзорлар ташкил этишни режалаштириш институтини тузиш.

2. Ҳар бир республикада ички Евроосиёдаги қурғоқчиликдан сақланиш учун аралаш ўрмонзорларни барпо этиш.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган анжуманда эса белгиланган ишлар бўйича тайёргарлик қандай бораётганлигини кенг муҳокама қилиш билан бирга уларни амалга ошириш борасида аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Ушбу тадбирларга кўра, кўчат ўтқазиш учун қулай шароит вужудга келиши биланоқ Марказий Осиёдаги ҳар бир республикада чет эл давлатлари кўмагида аралаш ўрмонзорлар барпо этиш бошлаб юборилади.

Бу ўрмонзорлар дастлаб текис жойларда ташкил этилади. Чунки бундай ерларга экилган кўчатлар тоғлардагига қараганда баравж ўсади. Иккинчи томондан аралаш ўрмонзорлар билан қопланган ерлар намни яхши сақлайди. Тупроқда чиринди-нинг кўпайишига ёрдам беради. Демак, ҳудудимиз яшил либосга бурканиб, табиати кўркамлашади, мусаффолашади, дастурхонимизга барака киради.

Каримжон РИХСИЕВ.

"Қиш ғамини ёзда е" деган нақлга амал қилган Нурота туманидаги "Нурота" наслчилик жамоа хўжалиги чорвадорлари қишлов учун пухта тайёргарлик кўришди. Хўжаликдаги мавжуд 59 минг бош қўй-қўзи, 410 бош йилқи учун 100 та қўтон, 100 та кашар, 100 та қудуқлар қайта таъмирлаб чиқилди. Қишлов учун етарли озуқа, дағал хашак йиғилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чўпонларнинг яшаш шароити ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳар бир чўпон оиласи учун дон, полиз ва сабзавот маҳсулотлари арзон баҳоларда бўлиб берилди. Шароит қанча яхши бўлса, иш ҳам унади. Ихтиёр Тўхтаев, Гулназар Мирзаев, Дусембек Егенов, Дадабой Жузбоев, Аҳмад Давронов бош бўлган отарларда ҳар 100 бош совлиқдан 105-115 тадан қўзи олишга аҳд қилинган.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, наслчилик жамоа хўжалигида Самарқанд қоракўлчилик илмий текшириш институтининг ходими Омон Иброҳимов раҳбарлигида қоракўл терининг олмос-сур териси яратилди.

СУРАТЛАРДА: хўжалик раҳбари Фазлиддин Аҳмедов чўпон Қутлимурод Турсунов билан (юқорида); Рўзибой Ҳамроевни чўпонлар оиласи дейишиш бежиз эмас.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.35 "Кафолат".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Мухбирлар ҳикоя қилади..."
19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Иқтисодий мустақиллиги-миз асослари".
21.30 Туроб Тўла, Фарҳод Олимов. "Нодирабегим". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Полапон".
18.50 "Яна театр ҳақида".
19.15 "Боболардан сўйлай ривоят".
19.40 "Фалакнинг гардиши".
20.05 "Студиямиз меҳмони".
20.30 "Шунчаки саргузашт".
20.55 — 22.25 "Хонадон ва унинг соҳиби". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

19.20 "Мультқарусель".
19.30 Бозор иқтисодиёти шароитларида архитектура ва қурилиш муаммоларига оид халқаро симпозиум.

"ОМАД" таништиради:

20.00 "Суперспорт".
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 "Суперспорт".
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — "О".
22.45 Эълонлар.
22.50 "Курьер".
23.10 "Об-ҳаво ҳақида".
23.20 — 23.30 Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. А. Павлова.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал /Мексика/.
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 "Спорт уик-энди".
22.05 — 23.35 "Театр + ТВ". Р. Биковнинг ўйналмаган роллари.

Сешанба, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Санниковери". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ёшлик" студияси. "Талабалиқ йилларим".
11.50 "Усмир ва қонун".
12.20 "Хаёлимда яшар бир наргис". Мусиқий кўрсатув.
13.00 — 14.30 "Эҳтиёж".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
18.40 "Ишбилармон".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Истиқбол сари".
19.40 "Япон мўъжизаси". Япония мамлакатида бўлган бир гуруҳ олимларнинг таассуротлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Регистон оҳанглари". "Ўз-бектелефильм" маҳсулоти.
21.30 "Актёрлар ва роллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Дўстматов.
22.40 "Кузги марафон". Бадиий фильм.
00.15 — 00.40 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
20.45 "Буюк Ипак йўли: ўтмишдан келажакка".
21.15 "Дунё ва биз". Хавфли табиий офатларни камайти-риш халқаро куни.
22.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Жаҳон бозори".
22.50 "Барча юлдузлар". Милен Фармер. 2-кўрсатув.
23.20 — 23.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Кремль девори ортида".
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ю. Пилсудский.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 "Гол".
22.20 Композитор Игорь Крутойнинг ижодий кечаси.

Чоршанба, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Сўнгги таътил". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Уорлднет" телекомпания-сининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.15 "Янги алифбони ўрганамиз".
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.25 — 13.55 "Истиқлол ва мафкура".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Насримиз уфқлари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига. "Ватан-ни севмоқ иймондандур..."
21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.50 "Сўлим мавсум". Бадиий фильм.
00.25 — 00.50 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Иқтисодий мустақиллик йўлидан.
19.10 "Мўъжизалар оламида".
19.50 Халқ саломатлиги йўлида.
20.35 "Мусиқий меҳмонхона".
21.35 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
22.15 — 23.40 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Дов-юрак капитан ҳақида қисса". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Фазилат".
20.20 "Санта Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.10 — 00.40 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти". Дастурда:
— халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари, Осиё ўйинларининг қатнашчилари билан суҳбатлар;
— спорт ҳақида ҳикоялар;
— ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатларо "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Мен сизни учратдим..." Зураб Соткилава куйлайди.
18.40 "Ким аслида ким?". XX аср. Ж.-П. Сартр.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 Нина Искренко шеърияти.
20.20 "Парнас сари босқич". 1У Москва халқаро телевизион мусиқий фестивали.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 А. И. Солженицын билан учрашув.
22.00 — 23.35 Ален Делон "Секинроқ, дўрилламанг" бадиий фильмида /Франция, Италия, 1971 й./.

Пайшанба, 13

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қамоқ муддати ўттунгача". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
12.00 "Сени куйлайман, муҳаббат". Мусиқий композиция.
12.40 — 14.40 "Олтин яп-роқчалар". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турон тулпорлари". Спорт кўрсатуви.
18.30 "Электроника: бугун ва эртага".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.45 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом қўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 Видео янгиликлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

19.20 "Мультқарусель".

*

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг янгиликлари (Ҳиндистон).

*

20.30 "Санта Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.20 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".

"Тошкент" студияси таништиради:

21.45 "Киноактёр Леонид Куравлев".
22.45 — 23.05 "Коллекция". Эстрада концерти.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "... 16 ёшгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Л. Армстронг.
18.50 Янгиликлар.
19.05 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Сан-Марино терма командалари. 2-тайм.
19.55 "Кумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Москва — Кремль".
22.00 — 22.30 "Мени севгин деб Сизга илтижо қил-майман". Георгий Виноградов.

Жума, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Шаҳар қалқони". Бадиий фильм.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
11.00 Лирик концерт.
11.35 "Кашф этилаётган имкониятлар".
12.05 — 14.05 "Иккинчи истеъдод".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Ватандин яхши ер бўлмас..."
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 "Назм ва наво". Навоий лирикаси.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига. "Улуғбек буржи". Телебалет премьераси. 1-қисм.
21.40 "Иқтисодий мустақиллигимиз асослари".
22.10 "Фожиага йўл қўймайман". Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.50 "Экология ва ҳаёт".
19.20 "Тошкентнома".
20.20 — 21.45 "Вельд". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Ислоҳот ва масъулият".

"ОМАД" таништиради:

20.00 "Эм-Ти-Ви" дан мусиқалар.
20.20 Эълонлар.
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.25 "Суперспорт".
21.45 "Юлдузлар жилоси".
21.50 "Даракчи".
22.00 Эълонлар.
22.05 — 24.00 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.35 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 6-серия.

Шанба, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Партизан ертўласининг сири". Бадиий фильм.
10.05 "Қизил Ярим ой шўъласи".
10.45 "Улуғбек: ҳужжатли ва бадиий талқин".
11.25 "Онасан, меҳрибонсан". Мусиқий кўрсатув.
12.00 "Китоб ва ҳаёт".
12.35 — 14.35 "Тимсол" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. "Улғайиш поғоналари".
18.25 "Мирзо Улуғбек". "Ўзбек-телефильм" маҳсулоти.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Истиқбол сари".
19.40 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар даврасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига. "Улуғбек буржи". Телебалет премьераси. 2-қисм.
21.40 "Барҳаёт наволар". Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.
22.55 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" тақвими.
12.55 "Жозиба".
13.15 "Бир шингил ҳангома".
13.25 "Муҳаббатга ошно қалблар".
13.45 Видео янгиликлари.
14.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
15.00 "Кинонигоҳ".

***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).
19.40 "Йўловчи ва транспорт".
20.20 — 22.30 "Сотилган кулги". Бадиий фильм. 1—2-серийлар.

ЎзТВ III

10.00 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
10.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
11.10 "Кенгашганга кенг дунё".
11.40 — 13.00 "Болаликнинг бахтли онлари". Бадиий фильм.

***

19.20 "Мультқарусель"
19.30 "Яна бир бор қишлоқ ҳақида".

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.25 Ўзбекистон телевидениеси-да Хитой телевидениеси кунлари.
20.55 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Синема". Ўзбекистоннинг ҳужжатли фильмлари.
22.10 Немис тилида кўрсатув.
22.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Брейн-ринг".
18.30 "Ушангача ва ундан сўнг..." Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.20 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 1-серия /АҚШ/.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Уч серияли бадиий фильм. 1-серия /АҚШ/.
22.45 — 23.40 "Матадор".

Якшанба, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 88—89-серия-лар.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Уорлднет" телекомпания-сининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 "Шийпондаги учрашувлар".
12.15 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
13.45 "Халқ ижодиёти". Гулбой Мирзаев.
14.15—15.15 "Қишлоқ ҳаёти". Жиззах вилоятидан кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда..."
19.55 "Тасвир". Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Мен буюк юрт ўғлидурман..."
21.40 "Якшанба оқшомида". Дам олиш концерти.
22.30 Ўзбек киносининг 70 йиллиги олдидан. "Ўтган кунлар". Бадиий фильм.
24.00 — 00.30 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
18.00 Видео — "О".
19.50 Эълонлар.
20.00 "Курьер".
20.15 "Об-ҳаво ҳақида".
20.25 "Постфактум".
20.35 "Подиум".
20.50 Рок ҳақида.
21.20 "Даракчи".
21.30 — 23.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Гўзаллик ва мангулик ҳақида". Миср.
11.30 — 12.10 Француз қўшиқлари шинавандаларига.

***

19.30 — 20.30 "Дурдаршн" теле-компаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

*

ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ташрифлар ва таклифлар".
21.15 "Жонли сайёра".
21.45 Ўзбекистон телевидениеси-да Хитой телевидениеси кунлари.
22.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
23.00 "Авто плюс".
23.25 "Бу ажиб дунё".
23.45 — 24.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Халқ куйлари.
18.30 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.25 "Бутун Россия".
20.00 "КВН-94".
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсату-ви.

• Обуна - 95

ГАЗЕТА ЎҚИМАСА ҲАМ БЎЛАВЕРАДИМИ?

Ҳар бир хонадонни мен ҳамиша уч нарсадан айирмасин, дейман. Булар — хотиржамлик, нон ва маърифат. Маърифат тушунчасини аввало дунёнинг ишларидан хабардор бўлиб туриш, деб тушунаман. Бу мушарраф илмдан эса одамга биринчи галда вақтли матбуот саёқ беришини ҳамма эътироф этади.

Дунёдан хабар етказишда телевидение ва радионинг беҳад имкониятларини тан олмоқ керак. Бироқ уқиб олмоқ учун ўқиб олмоқ лозимлигини ҳис этган одам уйида тўртта рангли телевизори бўлса-да, шунга қўшимча яна тўртта газетага обуна бўлиши шубҳасиздир.

Мен ўзим 1994 йилда тўққизта газета-журналга обуна бўлдим. Янги газета жони-дилим. Уни ўқиб, касбингга, ишингга, ташвишларингга, ўзинг яшаётган ҳудудингга оид хабарларга кўзинг тушганда, олтин топгандай қувониб кетасан киши.

Бироқ, мен билган-билмаган одамларнинг кўнглига тегмасину, матбуот нашрларини эгасига — обуначига етказиб бериш хусусида айрим кузатувларимни айтиб ўтмоқчиман.

Тўққиз ой деганда "Шарқ юлдузи" журналининг фақат бир сонини олибмиз. Газеталар ҳам шунақа: уч-тўрт кунлар, ҳатто, ҳафталаб ололмаймиз. Назаримда, кейинги пайтда вақтли матбуотга обуна бўлишнинг сони пасайиброқ қолди. Бунга сабаб қилиб нашрларнинг қимматлашганини кўрсатиш ҳам мумкин. Аслида эса нашрларнинг обуначига вақтида етказиб берилмаётгани обунанинг белини синдирмоқда. Бу масалага ҳал қилувчи муносабатни тегишли идоралар билдириши даркор.

Бу гаплар билан мен 1995 йил обунадан воз кечиш керак, демоқчи эмасман. Мутлақо. Бургага аччиқ қилиб кўрпани қуйдиришдан ёмони борми? Айниқса, 40 йилдан буён ардоқлаб ўқиб келаётган "Ўзбекистон овози" газетасига биринчи галда ёзилдим. Фақат ниятшулки, нашрлар вақтида қўлимизга тегса. Ахир ҳозир айрим қишлоқларга, ҳатто, бутун бошли жамоа хўжаликларига ойлаб битта ҳам газета олиб борилмайди.

Бу гапларни мен кўпчиликнинг : айниқса, қишлоқларда яшайдиганларнинг фикрларини ҳам ифода этаётирман, деган мулоҳаза билан айтяпман.

Э.ЭРГАШЕВ,
Қумқўрғон туман қишлоқ хўжалигига киме хизмати кўрсатиш идораси боғлиги, меҳнат фахрийси.

ЭРТАКЛАРИ МЎЛ БУВИМИЗ

Болалар бувиларини кўпроқ яхши кўради. Эҳтимол, оналари сингари уришиб қойийвермагани, фақат яхши гапиргани, уларга атаб чўнтагида конфет олиб юргани, ҳеч ким эшитмаган эртаклар айтиб бергани учун шундайдир. Эҳтимол, Боламнинг боласи — қантак ўрикнинг донаси, деганларидай, одам ёши ўтгани сари болаларни бошқача меҳр билан яхши кўргани, бола эса сезгир ва тийраклиги туфайли буни дарҳол уққани туфайлидир...

Нима бўлганда ҳам, бувиларда ҳикмат кўп. Улар ўзлари билиб-билмай, алоҳида меҳри, теша тегмаган эртаклар билан фарзандларни улғайтиради, Ватаннинг ҳақиқий фуқароси бўлиб етишишларига мислсиз хисса қўшади.

Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова халқимизнинг неча авлодига буви бўлади. Опа саҳнага чиққанидан бери ўтган ярим асрдан зиёд вақт ичида неча минглаб бола унинг эртагини тингламади дейсиз!

Телевидениедаги спектакллар, миниатюраларда ҳам ўта камтар ва соддадил, ниҳоятда олижаноб ва меҳрибон аяни кўп кўргансиз. Мана шу — юзидан нур ёғиб турадиган, унга қарабоқ бирон ножўя иш қилиб қўйган бўлсангиз, ўзингизча ўяладиган ая — Манзура опа бўлади. Демак, буви бувиларга хос ишдан чарчамайди: болаларга ҳам, катталарга ҳам тарбия бераверади.

Мен театр мухлиси бўлганим, шу боис театр ҳаётидан анчамунча хабардорлигим туфайли, Манзура опанинг ижодий фаолияти билан бир мунча танишман. Шунга асосланиб айта оламанки, Манзура опа жуда кўп одамга ҳаётда ибрат берадиган оддий эртакчигина эмас, жуда кўп санъаткорга санъатдан таълим берадиган улкан санъаткор ҳам.

Театрда ҳар хил спектакль, жумладан, унча муваффақиятли чиқмаган томошалар ҳам бўлади. Бунинг сабаби турли-туман, бироқ бундай ҳол асосан асарнинг бўшлиги туфайли юз беради. Ана шундай, актёрлар илҳомсиз ўйнаётган, зерикарли спектаклларда ҳам саҳнага Манзура опа кириб келиши билан ҳамма нарса ўзгариб кетади:

Манзура опа асарнинг савияси, бошқа актёрлар маҳоратига боғлиқ бўлмаган янги ҳаво олиб киради. Мана шу — асосан артист маҳорати билан бевосита боғлиқ ҳаво туфайли бошқа актёрлар ҳам, саҳнадаги воқеа ҳам жонланиб кетади, сиз ҳам энди спектаклни бошқача руҳ билан — берилиб томоша қила бошлайсиз.

Мен аслида саҳнада (лозим бўлмаган ўринларда) шева ишлатилишига қаршиман. Бироқ, юқорида айтилганидай, Манзура опа каломидаги шева ҳам у олиб кирган ҳавога бошқача бир шуқуҳ бахш этади, Бу — Манзура опанинг ҳаётига айланган улкан санъатнинг бир жозибаси эмасмикан?

Манзура опа фақат томошабинларнигина тарбиялаб қолаётгани йўқ ўзининг камолга етган, бугунги кунда халқ хизматидаги фарзандлари, невара-чевараларидан ташқари, Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг бир неча авлод санъаткорларига ҳам оналик, ҳам бувилик, ҳам мураббийлик қилиб келади. "Сафарга чиққанимизда, — дея миннатдорлик билан гапиради артистлар, — Манзура опам доим ҳаммамизнинг аҳволимиздан хабардор бўлиб туради, чойга чақиради, меҳрибонлик кўрсатади." Бундан ташқари, ҳар бир артистнинг ўйнаётган ролига муносабат билдиради, камчиликларни тўғрилайди, ёш артистларга йўл-йўриқ кўрсатади...

Яна бир гап. Бу йил Оила йили, деб эълон қилинган. Мамлакат, давлат бутунлиги, мустаҳкамлиги оила тинчлиги, осойишталигидан бошланади. Манзура опа театрдаги, телевидение ва радиодаги фаолияти, умуман санъатдаги бутун ҳаёти билан ўзбек оиласининг бутун, мустаҳкам бўлиши учун ҳам хизмат қилаётган санъаткордир.

Манзура опа, Табаррук саксонингиз муборак бўлсин! Умрингиз давомида халқингизга жуда кўп хизмат қилдингиз, лекин энди бўлди, дам оламан, деб ўйламанг. Бизга жуда кўп эртак айтиб бердингиз, бироқ ҳали эртак халтангиз деярли тўлалигича турибди. Ҳар куни саҳнада, экранда, радиокарнайда, кўча-кўйда, тўйларда сиз билан учрашиб, эртакларингизни тинглаб юрайлик!

М. ХЎЖАЕВ.
(ЎзА)

• ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

БЎЛАР БОЛА БОШИДАН...

Бўз туманидаги Алишер Навоий номли 13-ўрта мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси, ХДП аъзоси Қамара Шамсутдинованинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Янги ўқув йилини у таълим бераётган болалар 3-синфдан бошладилар. 18 йиллик иш тажрибасига эга бўлган иқтидорли муаллиманинг тинимсиз изланиши боис ўтган йили ҳарф таниган болалар мактаб дарсликларидан анча илгарилаб кетишди. Пухта берилган билим уларнинг 2-синфга қатнашига зарурат қолдирмади.

Андижон вилоятининг чекка бир қишлоғида рўй берган бу янгилик кутилмаган ҳол эмас. Қамара болаларни жону дилидан яхши кўради. Уларнинг ғубор қўнмаган кўнгилларига йўл топа олади. У ишлаётган мактаб жамоаси ўтган йили мустақил бўлди. Туман халқ маорифи бўлимидан ажралиб чиқиб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтди. Жамоада яратилган моддий база бунга тўла имкон берди. Натижада замонавий талабга жавоб бера оладиган, янгиликка ўч ўқитувчилар меҳнати муносиб тақдирланиб, ўзининг баҳосини ола бошлади.

Энг муҳими, илгари оддий бир муаммони ҳам ҳал этолмай қишлоқ фуқаролар йиғини билан туман халқ таълими бўлими оралиғида бўзчининг мокисидай қатнаган мутахассислар энди бундай ортиқча оворагарчиликдан азият чекмайдиган бўлишди. Банкда мактабнинг ўз ҳисоб рақами очилиб, мўмай даромад жамғарилди. Бу маблағни мактаб жамоасининг ўзи топди. 20 сотихдаги тажриба участкасига экилган тўрт минг туп помидор кўчати 20 минг сўм даромад келтирди. Ўқитувчилар раҳбарлигида ўқувчи ўғил-қизларнинг ўзлари тайёрлаган нафис санъат буюмлари мактабга қарашли "Ижодкор" дўконида қўлма-қўл бўлиб кетди. Меҳнат таълими дарсларида ишлаб чиқарилган дурадгорлик буюмлари туман аҳолисининг эҳтиежига яради. Эндиликда мактабда бу соҳалар кенгайтирилиб, ривожлантириб борилмоқда. Ёшлар ўқиш билан бирга ҳунар ўрганиб, бирон бир соҳа бўйича ўзларида касбга қўникма ҳосил қилишяпти.

Мактаб янгиликка бардош беролмайдиган ўқитувчилардан тозаланди. Шартлар қатъий қўйилгач, айримлар узрларини айтиб иш жойларини ўзгартиришди. Жамоани иш ҳақи билан таъминлаш, моддий рағбатлантириш маъмуриятнинг ўз қўлига ўтди. Бунинг эвазига ўтган ўқув йилида мактаб ўқитувчилари бошқа жойлардаги касбдошларга нисбатан тўрт баравар кўп мукофот олишди. Бу йил эса яхши ишлаётган иқтидорли муаллимларнинг маошига 20 фоиз иш ҳақи қўшиб бериладиган бўлди. Шу мақсад учун тумандаги Шодмонов номли жамоа хўжалиги уч минг сўм маблағ ажратди. Мукофот Қамарага ўхшаган фидойи касб эгаларига насиб этади.

Уларнинг ютуғи таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришаётганида. Қамара Шамсутдинова ўз фаолиятида қатор янгиликларни қўлламоқда. Ён атрофидаги болалар боғчаларида тарбиячилар билан мулоқотда бўляпти. Мактабга чиқадиган кичкинтойларни ўрганиб, танлов асосида уларни саралаб оляпти. Шунинг учун ҳам унинг синфига талаб катта. Ота-оналар ўз фарзандларини Қамаранинг қўлида билим олишларини хоҳлашади. Бу йил мактабнинг яна уч нафар бошланғич таълим ўқитувчиси, ХДП аъзолари Султонмурод Мадраҳимов, Маъмуржон Расулов, Ҳанифахон Мадраҳимовалар Қамаранинг усулини танлашди. Қизиғи шундаки, кичкинтойлар бошланғич таълимни тўла ўзлаштиргач ҳам устозлари билан алоқани узмайдилар. Мактабни тугаттунларича улар билан бирга бўлишади. Ўқитувчилар шундай масъулиятни зиммаларига олишган. Ўзлари ўқитган ўқувчиларга юқори синфларда ҳам қайсидир фандан дарс бериб, ўзвий алоқада бўлиб боришади.

— Қамарани кўпроқ болаларнинг қобилияти қизиқтиради, — дейди мактаб директори, халқ маорифи аълочиси, туман партия кенгашининг аъзоси Абдуфатто Ҳожиматов. — Ўқув дастурларига қаттиқ ёпишиб олмайди. Аксинча талабга қараб болалар билан ўқув машғулотларини олиб боради.

Қамаранинг синфини биз худди музейга ўхшатдик. Унга қўйилган буюмлар ҳақиқатан ҳам болаларнинг бой маънавий оламини намойиш этиб турибди. Ўзининг хилма-хиллиги билан бу ерга ташриф буюрганларнинг эътиборини тортмоқда. Турли расмлар, жонли бурчакдаги қушлар ташқи оламнинг синфдаги қиёфасига алоҳида мазмун бахш этмоқда.

Мактабдан қайтаётиб яна бир муҳим гапни эшитиб қолдик. Унинг қўлида таълим олган дастлабки ўқувчиларнинг уч нафари бу йил устозининг касбини танлаб ўқишга киришибди. Бу Қамара эккан дарахтнинг илк ҳосили. Унинг ҳаётида ҳали бундай ҳосиллар кўп бўлади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,

БУ НАВО НАЙДАНМИ, Ё?...



У пойтахтдан анча олисда — Қаршида яшайди. Камсуқум ва ҳокисор. Кўп ва хўб соддалиги бор Амирнинг. Шеърларига сиғмаган улкан ҳайратни унинг юзидан, сўзидан англайсиз. Дарвоқе...

У ўзининг бўйидан ҳам каттароқ шоир.

●

Сулув қизнинг сочларин боғлаган сим
Узилгин-ей сумбуллари сочилсин.
Зулфининг ҳар толасида қирқ тилсим
Банддур, ҳеч бўлмаса бири очилсин.
Очқичларин излайман, ҳар тилсимнинг
Сирларига майли умрим берсйин.
Наҳот унутдим бир сўзни: «сим-сим»ни,
Айтайними, қулоғингни бер, ойим!

Жаннат исин уфургувчи гулқадга
Зуннор бўлсин қайғу ичган хаёлим.
Воажабо, бундай нозик ҳилқатга
Чекилган тилсимлардами заволим?
Узилгин сим, майли борлиқ зулматнинг
Оғушида қолсин бир зум гирёна.
Эзилсин бу жоним қирқта кулфатнинг
Чангалида, жисмим қолсин бир ёна!

Қирқта ҳасрат, қирқ уқубат, қирқ қайғу
Солсин ёлғиз бошимга бор савдосин.
Елкалари оша дарёдай тунғу
Тошсин майли, очсин борлиқ дунёсин!
Тун ичида кундай юзи кунларга
Меҳр бўлиб кўзларимда балқсин-ей!
Гулбоғидан кўкси тўлиб хунларга
Райҳонлари кўнглимизга боқсин-ей!

Сулув қизнинг исми нима: Гулсумми?
Суманбарми? Мен умримни беройин.
Очқичини топдим битта тилсимнинг,
Яқинроқ кел қулоғингни бер, ойим!..

●

Бу садо тингланг қулоқларга қаёқлардан келур.
Билмагайсизму, заминдан, балки тоғлардан келур.

Бу наво бунча сеҳрли айлагай дилни селоб,
Бу наво найданми ё Чўли Ироқлардан келур.

Бу нафас хушбўй эрур—оламни маст айлар чунон,
Эмизикли ёш гўдакдин ё гиёҳлардан келур.

Бу шивирлашдан баҳор сандиқдан олди сепини,
Бу шивирлаш кўп сирли тунги боғлардан келур.

Энтикишми ё саодат бир жимирлайдур кўнгил,
Ё илоҳий сасми бу—билгисиз ёқлардан келур.

Қайдин эшитсинким ани ғофил кишилар, бу овоз
Сайёҳ шамоллар бағрида йироқ-йироқлардан келур.

Эй, Амир, ўтди нечалар сенгача, англай дея,
Сен умид айла, жавоб сенга огоҳлардан келур.

●

Гулюзлигим, бир жилмай, кўнгилдан ғубор кетсин,
Ул кунги итобингнинг ҳануз доғи бор—кетсин.

Қуёш чиқса ёришгай вайрона ҳам, кўксимнинг
Хароботидан зулмат, бир кулиб юбор, кетсин!

●

ИЗЛАМАНГ

Гар кетар бўлсам мени дашти фанодан изламанг,
Топмагайсиз барибир еру самодан изламанг.

Белги қўймангиз мозорим устига тошдин, ажаб,
Ул нишон бўлғайму мендан, ҳар балодан изламанг.

Тупроғимдан бир сариқ гул унса, булбул йиғласа,
Бўзласа фарёд чекиб най—ул наводан изламанг.

Ўзим бирла этмагайман асло ғамни ҳамроҳ,
Шул сабабдан ҳар бир мотамсародан изламанг.

Изламанг нури муаллақ офтобнинг хуснидан,
Тийра тундан—мардуд, юзи қародан изламанг.

Изламакдин фойда йўқдир, келдиму кетдим, бу сир,
Яхшиси даркор унутмоқлик, бақодан изламанг.

Бир либос эрди Амир исмим азалдан, оқибат
Ечганимда мен уни, мендек адодан изламанг.

●

Узоқлашсам қайтгим келади,
Яқинлашсам кетгим келади.
Юрагимни гоҳи-гоҳида
Тилка-тилка этгим келади.

Узоқлашсам суйиб қоламан,
Яқинлашсам куйиб ёнаман.
Ҳайронамен, мени ўйлатган
Сир тубига етгим келади.

Бораману дарров кетаман,
Кетаману яна қайтаман.
Гоҳ роҳатга ноил, гоҳ азоб
Ичра оғу ютгим келади.

Дардларимни тингламайди тун,
Мендан ўзин олиб қочар кун.
Тун—сиёҳ, кун дафтардир, унга
Мен ўзимни битгим келади.

Узоқлашсам изғирар совуқ,
Кул бўламан гар борсам ёвуқ.
Қайга борай?! Не қилай?! Ҳайҳот!
Аро йўлда йитгим келади.

Мен унга, у менга керакми?!
У менингми? Мендан бўлакми?
Бул ҳикматни англай деб Дунё
Китобини титгим келади.

Вале, Амир, умрдир чекли,
Борадур ким юксиз, ким юкли.
Қўлни силтаб барчасига гоҳ
Ўзимни унутгим келади!..

Амир ХУДОЙБЕРДИ.

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

ҚУЛОҚСИЗ АСКАРЛАР

● ИРОҚ мухолифатининг маълум қилишича, Бағдод ҳарбий қисмларида Ислом қонунчилигига асосланган янги жазолар жорий этилди. Армиядан қочган 800 нафарга яқин аскарнинг ярми қулоқларидан айрилди, ярми эса пешонасига тамға олди. Эндиликда қочоқларни шундай жазо кутади, дея хабар беради «Труд» газетаси.

«КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНГАН» ОДАМ

● ШУ ЙИЛНИНГ март ойида Кембриждаги касалхоналардан бирида инглиз фуқароси Стивен Хайетнинг бирданига олтита ички органи, яъни жигари, буйраклари, ошқозони ва бошқа органларини кўчириб ўтказиш бўйича ноёб операция қилинди.

Операция профессор Рой Калн раҳбарлигида уч жарроҳ томонидан ўтказилиб, у 14 соатга чўзилган.

«Санди телеграф» газетасининг хабарига кўра, шу кунларда у ўз уйида, хотин-болачақалари бағрида соғ-омон юрибди.

ОШҚОЗОНДА ТЕМИР-ТЕРСАК

● НИГЕРИЯДАГИ Умуахия шаҳри шифохоналаридан бирида жарроҳ ўз мижози ошқозонидан умумий оғирлиги 1,84 кило бўлган 497 та металл буюмларни операция йўли билан олган. Беморни олдин текшириш дан ўтказган ҳакимлар унга очликдан организм камқувват бўлиб қолган, деган ташҳис қўйишганди. Бироқ рентгенда текширилгач, беморнинг ошқозони темир-терсак омборига айланиб кетгани маълум бўлди. Унинг ошқозонидан 303 та 5 сантиметрли мих, 106 дона 10 тийинлик, 38 та 5 ва 50 тийинлик тангалар, 1 та Британия чақаси, 25 та металл қистиргич, 8 та оддий игна, 10 та чок машина игнаси, 6 та лезвия олинган.

УСИШ ТЎХТАТИЛДИ

● ЖАНУБИЙ африкалик Сетендиве Семене ҳали ёш. Бироқ ёш бўлса-да, номи дунёга танилган. У сиз ўйлаганчалик достон битгани йўқ, ёки Шопен, Бах, Бетховен куйларини мароқ билан ижро этмаган, ё бирор-бир рекорд ўрнатмаган. Унинг «айби» фақат ёшига нисбатан бўйдорлиги ва оғирлиги, холос. Ҳозир унинг вазни 30 килодан ортиқ, бўйи эса 2 метрга яқин, ёши тўртда.

Янги туғилган пайтида қанча тош босгани қизиқтираётган бўлса керак сизни. Ушанда «атиги» 10,5 килолик тош босган, бўйи 69 сантиметрни ташкил этган.

Шифокорларнинг айтишича, бу ҳам бир касаллик экан. Улар дори-дармон билан Сетендивенинг бўйи ўсишини вақтинча тўхтатиб туришмоқда.

СУРАТДА: Зомин қўриқхонасида шундай балиқлар ҳам бор.

• Спорт

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

ҲОЗИРЧА КУМУШ, ОЛТИН ҲАМ БЎЛАДИ

Маълумки, республикамиз вакиллари Япония сафари олдидан Тошкентнинг Яккасарой қабристонида бўлиб, у ерда дафн этилган япон аскар йигитларини зиёрат қилиб, бир қисм тупроқни олиб кетишган эди. «Асахи Симбун» газетасининг ёзишига қараганда, мамлакатимиз спорт делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев тантанали суратда япон ҳарбий асирлари қабридан олинган ҳокни тонготар юрт вакилларига топширган. Ўзбекистон ҳақида ва спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига тайёргарлиги тўғрисидаги фильм намойиш этилган.

Умуман, Япония матбуоти спортчиларимизнинг чиқишларига эътибор билан қарамоқда. Айниқса, футболчиларимизнинг ўйинлари ҳақида илиқ гаплар ёзилмоқда. Гап футбол ҳақида кетадиган бўлса, йигитларимиз ҳозирча мухлисларни мамнун этишмоқда. Уларнинг Саудия Арабистони жамоаси билан ўтказган дастлабки учрашувида танаффусгача дарвозага тўртта жавобсиз тўп киритишгани, Малайзия жамоаси билан учрашувда 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишгани ҳақида хабар берган эдик. Вакилларимиз учинчи учрашувда ҳам ғалаба қилишди. Жамоамизга зафар келтирган ягона тўпни Азамат Абдураимов Гонконг футболчилари дарвозасига йўллади.

Шундай қилиб, Осиё ўйинларида ҳам жаҳон чемпионатида бўлгани каби ғалабага учтадан очко берилаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, футболчиларимиз ҳозир тўқкизта очко билан ўз гуруҳида пешқадамлик қилишмоқда.

Ҳозирча Осиё ўйинларида иштирок этаётган мамлакатлар ўртасида хитойликлар медаллар жамғариш бўйича олдинда боришмоқда. Улар жами 29 та (20 та олтин) медаль тўплашган бўлса, Япония спортчилари ҳисобида 23 та (8 та олтин) медаль жамғарилди. Ўзбекистон вакилларидан ҳозирча грек-рум кураши бўйича Григорий Пуляев кумуш медаль соҳиби бўлди. Зеро, спортнинг кўпгина турлари бўйича вакилларимиз совринли ўринларга даъвогардик қилишмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

• 1994 йил—Оила йили

КИМ КЎПРОҚ ЯШАЙДИ?

ёхуд эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар хусусида

Оила кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий мулкий муносабатларини, маънавий, яъни эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва бошқа муносабатларга асосланган инсоний характерлари, тақдирлари, тарбияси турлича бўлган кишилар ўртасидаги бирликдир. Оила ҳаёти жуда мураккаб. Кўп қиррали. Бунда оила аъзолари, айниқса, эр ва хотин ўртасида муносабат муҳим. Патриархал оила вужудга келгандан бошлаб ўтган жамики ижтимоий тузумларда оила моддий жиҳатдан эркак киши қарамоғида бўлган.

Капитализмда саноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва йириклашиши, майда ҳунармандчиликнинг инқирозга учраши, қишлоқ хўжалигига техниканинг жорий этилиши, малакали ишчи-деҳқонларга бўлган эҳтиёж туфайли маориф ишларининг ривожланиши натижасида бир аждодни ўз ичига олган хонадон — оила ўрнига ота-она ва болалардан иборат нуклеар оила юзага келди.

Социализмда нуклеар оилалар кўпайиб борди. Социализмнинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, у жинслар ўртасида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенглик ўрнатди. Миллий келиб чиқиши, диний эътиқоди, аввал оилада аёллар мавқеи қандайлигига қарамай, уларнинг оилавий урф-одатларини ҳисобга олмасдан собиқ СССРдаги қонун аёлни кўр-кўрона ҳимоя қилди. Бу эса, аёлда турли салбий ҳислатларни шакллантиришга имконият яратди. Оилада аёл айби билан ажралган эркакдан алимент (жарима) олиб аёлга берилди, Қонун уни ҳимоя қилди. Эридан ажралса, ёлғиз аёл деб, имтиёзлар яратди.

Эркаклар бу ҳолатдан боши берк кўчага кириб қолди. Иложи борича нотўғри хатти-ҳаракат қилаётган аёлига ҳалақит бермасдан яшашга кўника борди. Агар эркак коммунист бўлса, нур устига, парткомга оиладаги можародан хабар берилса бас, уни аёлларга бой-феодалларча муносабатда бўлганликда айблаб, ишидан «озод» қилишди, партбилети тортиб олинди. Оиладаги бу ҳодиса эркакларни маънавий жиҳатдан заифлаштирди. Қўрқоқ қилиб қўйди.

Бундай «тенглик» аёлларнинг оила, фарзанд, эрлари олдидаги масъулиятини бажаришдан кўра меҳнат қилиш, эри билан баробар, ҳатто ундан кўпроқ пул топиш, ундан ўтиб кетишни тарғиб қилади. Аёлларнинг бундай фаолиятини эрлари қандай тушунади. Оғир меҳнатга аёллар бардош бера оладими? Бу ҳолат фарзандлар тарбиясига қандай таъсир қилади?— деган масалалар ўйлаб кўрилмади. Социализмда аёл трактор рулига ўтиришдан фазовий кемада ойгача етиб борди, деб жар солинди. Ҳукуматни бошқариш идораларида собиқ СССРдаги каби аёлларнинг қатнашишини таъминлаган давлат жаҳонда топилмайди, деб овоза қилинди. Аслида-чи? Социализм даврида эркакларга шунчалик кам ҳақ тўландики, оқибатда, у ўз оиласини боқолмай қолди. Бу ҳолат аёлни ҳам ишлашга мажбур этди. Ҳатто кечаси ишлашдан ҳам озод қилинмади. Нафақат эрининг, балки ҳар қандай раҳбарнинг хатосини топиб, мансабини тортиб олиш даражасигача борган аёллар баъзи бадиий асарларимизда қаҳрамон деб, мадҳ этилди.

Ишлаб чиқаришда меҳнатга жалб этилган аёл оиладаги зиммасига юклатилган вазифадан озод этилмади. Ишдан кейин кир ювади, дазмол қилади. Овқат пиширади. Уй йиғиштиради. Болаларини эртага мактаб ва боғчага тайёрлайди. Уй ҳайвонларига қарайди... эҳҳе, бунинг охирига етиш қийин.

Хуллас, келтирилган сабаблар натижасида икки жинс ўртасида жанжаллар содир бўлди. Бу эса оилаларнинг ижтимоий меҳнатга жалб этилиши туғма оналик туйғусини поймол этиб, унинг «табиий» вазифасини бажариш хоҳишига путур етказади, ахлоқсизликка, маънавий бузилишга, оиланинг емирилишига олиб келди. Натижада қариялар, эркаклар аёллар меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан маҳрум бўлди. Болалар она назоратидан четда, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Эркаклар ожизлашди. Заифлашди. Оилани аввалги ҳолатига қайтариш, жамиятни соғломлаштириш учун ҳали қилинадиган ишлар кўп. Оммавий ахборот воситаси орқали жамият ва оилага салбий таъсир кўрсатувчи озод аёл ғоясини ташвиқ этишни тўхтатиш, аксинча ўз оилавий вазифасини бажармаган аёлларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш, ўз фарзандларини болалар уйига топширганларни қоралаш, уларнинг паспортларига бу ҳодисани ёзиб қўйиш, иш жойига хабар қилиш, оналик имтиёзларидан озод этиш, маошидан давлат фойдасига жарима олиш, яшаётган уйининг бир қисмини бола фойдасига тортиб олиш, фоҳиша, алкаголь, гиёҳванд аёлларни оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, жиноий жаза ниг барбод бўлишига олиб келди.

1991 йили Ўзбекистонда 270,3 минг никоҳ қайд этилди. Шу билан бирга 33,4 минг ажралиш рўй берган. Кўпинча ажралишган оилаларда аёллар иккинчи марта оила қурмаяпти. Бу эса, ёлғиз аёлларнинг кўпайишига олиб келди. Оиладаги бундай ўзгаришлар, зиддиятлар олимларни ҳам ташвишга солди. Улар оиладаги ноқулайликларни бартараф этишнинг бир қанча йўналишларини ишлаб чиқишди.

1. Патриархат йўналиш. Бунда фикр юритувчилар озчиликни ташкил этиб, улар асосан аёллар мавзуида айрим муаммоларни мунозарага олиб чиқувчи ёзувчи ва журналистлардир. Уларнинг фикрича, кишилар ўзларининг «табиий» хусусиятлари билан дунёга келади. Бу хусусиятлар, энг аввало, жамият ва оилада эркак, аёлнинг «табиий» вазифаларига риоя этишларидир. Аёлларга табиат она бўлиш, уй бекаси, оила негизини сақловчи вазифаларини, эркакларга оилани жамият билан боғловчи, жамиятга хизмат қилувчи, оилани бошқарувчи ва боқувчи вазифаларини юклаган.

Патриархат йўналиш вакиллари оиладаги салбий жараёнларнинг сабабларини индустрлаштириш ва коллективлаштириш даврида нафақат ташкилот ва деҳқон хўжаликларини, балки аёллар ҳамда уларнинг меҳнати ҳам «сунъий умумлаштирилган», деб тушунтирадилар. Аёлларнинг ижтимоий меҳнатга жалб этилиши туғма оналик туйғусини поймол этиб, унинг «табиий» вазифасини бажариш хоҳишига путур етказади, ахлоқсизликка, маънавий бузилишга, оиланинг емирилишига олиб келди. Натижада қариялар, эркаклар аёллар меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан маҳрум бўлди. Болалар она назоратидан четда, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Эркаклар ожизлашди. Заифлашди. Оилани аввалги ҳолатига қайтариш, жамиятни соғломлаштириш учун ҳали қилинадиган ишлар кўп. Оммавий ахборот воситаси орқали жамият ва оилага салбий таъсир кўрсатувчи озод аёл ғоясини ташвиқ этишни тўхтатиш, аксинча ўз оилавий вазифасини бажармаган аёлларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш, ўз фарзандларини болалар уйига топширганларни қоралаш, уларнинг паспортларига бу ҳодисани ёзиб қўйиш, иш жойига хабар қилиш, оналик имтиёзларидан озод этиш, маошидан давлат фойдасига жарима олиш, яшаётган уйининг бир қисмини бола фойдасига тортиб олиш, фоҳиша, алкаголь, гиёҳванд аёлларни оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, хулқодоб сақлаш учун махсус хизмат ташкил этиш керак.

2. Иқтисодий йўналишнинг тарафдорлари, асосан, ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар сонини қисқартириш керак деб ҳисоблайди. Чунки бемор болаларга қараш, декрет таътилларига чиқиш меҳнат жараёнининг узлуксизлигига зарар етказади. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди.

3. Демографик йўналишда аёлларнинг янги авлодини бунёдга келтириш вазифасини бажариши тарғиб қилинади. Агар мунтазам демографик сиёсат олиб борилмаса жамият тараққиёти турғунликка юз тутади. Шунинг учун демографлар ҳам аёлларга бериладиган имтиёзларни — иш вақтини қисқартириш, болага қараш учун таътилни чўзишни таклиф этишади.

Шундай қилиб, учта йўналиш тарафдорлари ҳам аёлларга турли имтиёзлар бериш орқали оилани мустаҳкамлаб, жамиятнинг ахлоқий, иқтисодий аҳволини яхшиламоқчи бўладилар.

4. Эгалитар йўналиш (эгалита — французча тенглик) тарафдорлари аёллар масаласидаги ахлоқий, иқтисодий ёки демографик муаммоларни алоҳида қарамасдан, балки жамиятда аёлларнинг ҳолати, ҳақ-ҳуқуқини ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгариб бориши билан биргаликда қараб, ахлоқий, иқтисодий, демографик томонларини эса бу жараёнларнинг бир қирраси сифатида олиб қарайди.

Мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ Президентимиз аёллар учун кўплаб имтиёзлар яратди: иш вақтини қисқартириш, ишлайдиган аёллар меҳнат муддатидан қатъи назар, ҳомиладорлик ва туғуруқдан кейинги давр учун тўлиқ, маоши ҳисобида нафақа олиш ва ҳоказолар. Кўп болалик ва кам таъминланган оилалар ҳам маълум миқдорда нафақа билан таъминланмоқдалар. Камқон оналарга бепул тиббий ёрдам ва сервитамин овқатлар ажратилган. Шунингдек, аёлларга болалари уч ёшга тўлгунича қисман маош тўланадиган таътил ҳам жорий қилинган. Аёллар эркакларга нисбатан аввалроқ нафақахўр бўлишади. Бу имтиёзлар аёлларимизнинг яхши яшаши учун қисман бўлса-да имконият яратади, албатта. Лекин оилада эркаклар ўз хотинлари мушкулини осон қилиши учун улар масъулиятининг ярмини ўз бўйниларига олмас эканлар, аёлларнинг оғирини енгил қилиб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, республикамизда аёлларга муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг биринчи вазифаси меҳнат қилиш эмас, балки соғлом авлодни шакллантириш, оқила уй бекаси бўлиш, комил фарзандларини тарбиялашдир, деб тарғиб қилинмоқда. Аммо, аёлларни тезда оилага қайтариш керак, деган баъзи олимларнинг фикрига қўшила олмаймиз. Чунки бу тарихий жараён. Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмагани каби, бу жараённи ҳам орқага қайтариб бўлмайди. Ҳозирги меҳнаткаш аёл оилага қайтишни истамайди. Аввало, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш, меҳнат соатини қисқартириш лозим.

Манзура ХОЛМАТОВА,
Тошкент Давлат аграр университети доценти.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси**нинг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси**нинг

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга шошилинг!

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Қашқадарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омоновга отаси

Омонбобо ТЎЙЧИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Али Ибн Сино номли I ШКК маъмурияти, касаба уюшмаси ва барча ходимлари касалхона шифокори

Рамзхон ҒАНИЕВИЧ МУЗАФФАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Мақкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-95, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 23.00
Г—1181 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

123456.